

ТУРКИЙ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 апрель куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда ҳамкорликни кучайтириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун видеоанжуман тарзида ўтказилган навбатдан ташқари саммитида иштирок этди.



Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев раислигида ўтган тadbирда, шунингдек, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ҳамда кенгаш бош котиби Бағдат Амреев ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, пандемияга қарши курашиш борасида аъзо мамлакатларда кўрилатган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида фикр алмашилди. Томонлар эпидемиологик назоратни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари муҳофаза қилиш, мураккаб шароитда иқтисодиёт тармоқлари ва бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган

комплекс тadbирлар тўғрисида маълумот бердилар. Коронавирусга қарши курашишда тажриба ва энг намунали амалиёт алмашиш мақсадида яқиндан ҳамкорлик қилиш, савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим экани таъкидланди. Туркий кенгаш мамлакатлари азалдан дўстлик ва шериклик ришталари билан боғлангани, кейинги йилларда кўп қиррали ҳамкорликни фаол ривожлантириб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Афсуски, тезлик билан тарқалиб бораётган бу хатарли инфекция 160 миллионга яқин аҳолиси бўлган ушбу кенгашга аъзо давлатларни ҳам четлаб ўтмади. Бу пандемия бутун башарият ва жаҳон иқтисодиёти учун ғоят жиддий синовга айланди. Глобал миқёсдаги эпидемиологик инқироз дунёда

транспорт қатновининг анча қисқаришига, йирик корхона ва тармоқлар фаолиятининг тўхташига, ишсизликнинг ортishiга олиб келди ҳамда барча мамлакатларда барқарор ижтимоий-иқтисодий тарққиётга катта салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Бу борадаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари тўғрисида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича таъсирчан ва кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва нисбатан заиф соҳалари учун оқибатларни юмшатиш, очиқ халқаро мулоқотни йўлга қўйиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Президентимиз мамлакатимизда коронавирусга қарши олиб борилаётган мислсиз кураш тажрибаси билан ўртоқлашди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсия ва талабларига мувофиқ

жорий этилган карантин чоралари тўғрисида сўзлаб берди. Ўртимиз ҳудудларида карантин зоналари ва замонавий модуль касалхоналари барпо этиш ишлари, врачлар учун ижтимоий кафолатларни кенгайтириш, масофавий таълимни ташкил этиш, иқтисодиёт ва бизнесни реал қўллаб-қувватлаш механизмларини йўлга қўйиш бўйича қабул қилинган чоралар, Ўзбекистонда эпидемиологик вазиятни мониторинг қилиш ва прогнозлаш миллий тизими жорий этилаётгани, бошқа тadbирлар алоҳида қайд этилди. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг оқибатларига қарши самарали курашиш бўйича таъсирчан амалий чоралар кўриш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан қатор аниқ тақлифлар илгари сурилди. Давлатимиз раҳбари ўз сўзининг якунида «Ҳаммамизга аёнки, бирон-бир давлат якка

ҳолда ушбу пандемия балосига қарши самарали кураш олиб бора олмайди. Биз бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойиллари асосида иш туттишимиз лозим. Биз биргаликда кўп нарсга қодирмиз», деб алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг барча тақлиф ва ташаббуслари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши навбатдан ташқари саммитининг яқини ҳужжати — Боку декларациясида ўз аксини тоғди. Ушбу муҳим ҳужжат туркий тилли мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви доирасида зришилган келишувларни амалга оширишда сиёсий ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Илхом Гейдарович!
Муҳтарам давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хурматли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори!
Қадрили дўстлар!

Авваламбор, Туркий кенгашнинг бугунги навбатдан ташқари саммитини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев Жаноби Олийларига самимий миннатдорлик изхор этаман.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда катта таъшиш ва хавотир уйғотаётган корона-вирус пандемиясига бағишланган ушбу видео мулоқотимиз фавқуллода муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Хурматли ҳамкасбларимиз тўғри таъкидлаб ўтганларидек, бу хатарли офат, жаҳоннинг барча мамлакатлари қатори, 160 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган давлатларимизни ҳам четлаб ўтмади. Ва афсуски, бу касаллик тобора тарқалиб бормоқда.

Бу пандемия, ўзининг кўлами ва миқёсига кўра, мислсиз глобал инқирозга, бутун башарият тақдири ва жаҳон иқтисодиёти учун ғоят жиддий синовга айланди.

Маълумки, туркий халқларимиз ўзларининг кўп асрлик тарихида турли оғир синовлар ва мураккаб дамларни бошидан кечириб, уларни ҳамжиҳатлик билан мардондор енгиб ўтишган.

Аввал саммитимиз ҳозирги жиддий

ва тахликали вазиятда умумий ёндашувларни белгилаб олиш ва саъй-ҳаракатларимизни уйғунлаштириш, ҳамкорликда долзарб муаммоларни тезкорлик билан ечишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Бунинг асосий йўналишлари: — пандемиянинг кенг тарқалишининг олдини олиш, одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан ҳамда кенг қамровли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

— ушбу хавф-хатарнинг давлатларимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирини камайитириш;

— бу борада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир.

Азиз ҳамкасблар! Ўзбекистонда коронавирусга чалинган беморларни даволашда Жанубий Корея, Хитой, Россия, Исроил ва Германиянинг юқори маалакли шифокорлари билан мунтазам тажриба алмашиб, уларнинг энг илгор амалиёти теле-медицина орқали кенг қўлланилмоқда.

Биз Ўзбекистонда эпидемиологик вазиятни назоратга олиш мақсадида, халқро тажрибадан келиб чиқиб, барча зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Биринчидан, бутун мамлакат миқёсида қатъий карантин тизими жорий этилди.

Бу борада аҳолининг масъулиятини ошириш мақсадида қисқа муддатда қонунчиликка тегишли ўзгартириш қилдик.

Иккинчидан, коронавирусга қарши курашиш учун барча вилоятларимизда махсус тиббиёт масканлари ва карантин ҳудудларини ташкил этдик.

Мисол учун, Тошкент вилоятида барча шарт-шароитларга эга бўлган махсус карантин ҳудуди ишга туширилди. 20 минг ўринли бу комплекснинг 10 минг кишига мўлжалланган биринчи босқичи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 10 минг ўринли замонавий модуль касалхона шу ойнинг охирига қадар қуриб битказилади. Улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бу касалликнинг олдини олиш мақсадида ушбу тажриба бошқа ҳудудларда ҳам кенг татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга, бу кураш майдонида биринчи зарбани ўзига қабул қилаётган, фидойи ва жонқур тиббиёт ходимларини ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш кафолатлари кучайтирилди.

Учинчидан, касалликни эрта яловлаш мақсадида аҳоли ўртасида оғоҳлантириш ва кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Тўртинчидан, таълим тизими узлуксизлигини таъминлаш учун бу соҳадаги барча муассасалар ўз фаолиятини тўлиқ онлайн тарзда амалга оширмоқда.

Бешинчидан, аҳоли озиқ-овқат, дори-дармон ва зарур тиббиёт воситалари, бошқа ҳаётий муҳим ашёлар билан мунтазам таъминланмоқда.

Бу борада имкониятлари чекланган, кам таъминланган ва қумакка муҳтож аҳоли қатламларига берағаз манзилли ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилди.

Мазкур жараёнда кенг жамоатчилик, нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Олтинчидан, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини тўла қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилди.

Шу мақсадда Инқирозга қарши курашиш жағғармаси тузилди.

Бизнес ва тadbиркорлик субъектларига банк кредитлари фойзаларини ҳисоблашда “музлатилиш тартиби” ҳамда “солиқ таътиллари” жорий этилди. Солиқлар ва импорт божлари камайитирилди.

Кейинги масала — биз мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни чуқур мониторинг ва прогноз қилиш бўйича миллий тизимни жорий этмоқдамиз.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Юзага келган қалтис вазият нафақат миллий, балки минтақавий ва халқаро миқёсда зудлик билан таъсирчан чора-тадбирлар қуришни талаб этмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда, ижозатингиз билан, қуйидаги тақлифларни билдирмоқчиман.

Биринчи. Туркий кенгаш доирасида доимий фаолият кўрсатадиган қўшма эпидемиологик кузатув тизимини шакллантириш зарур.

Иккинчи. Давлатларимизнинг соғлиқ-

ни сақлаш вазирликлари ўртасида ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, диагностика, даволаш, эпидемиологик ҳолатни ўрганиш ва илмий изланишлар бўйича маълумот ва тажриба алмашувини кенг йўлга қўйиш лозим. Жумладан, ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, етакчи мутахассисларимиз иштирокида тез кунларда биринчи видеоконференцияни ўтказишни тақлиф этаман.

Учинчи. Туркий кенгаш котибиятида пандемияга қарши курашиш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи гуруҳни тузиш лозим.

Ушбу гуруҳ давлатларимизда фаолият юритаётган миллий штаблар билан яқин амалий алоқалар ўрнатиши керак.

Мамлакатларимизда олиб борилаётган сайё-ҳаракатларни тезкор ёритиш, ўзаро тажриба алмашиш ва ундан кенг фойдаланиш учун алоҳида маълумотлар базасини яратиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчи. Ҳозирги ғоят мураккаб шароитда қардош халқларимизни зарур озиқ-овқат ва мева-сабзавот, дори-дармон, тиббиёт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ҳақ таъмин ва транспорт коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, чегара пунктларида транспорт воситаларининг ўзаро ҳаракатланишига амалий ёрдам кўрсатиш зарур.

Транспорт ва логистика соҳаларида

ҳал этиш ва самарали мувофиқлаштириш мақсадида транспорт вазирлигидан иборат Ишчи гуруҳини ташкил этиш лозим.

Бешинчи. Коронавирус талафотларини юмшатишда халқаро ташкилотлар кўмаги жуда муҳимдир.

Бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва ваколатларини янада ошириш, ушбу нуфузли ташкилот ва Туркий кенгаш ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатишни тақлиф этамиз.

Қадрили дўстлар! Ҳаммамизга аёнки, бирон-бир давлат якка ҳолда ушбу пандемия балосига қарши самарали кураш олиб бора олмайди.

Биз бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойиллари асосида иш туттишимиз лозим. Биз биргаликда кўп нарсга қодирмиз.

Шу муносабат билан видео мулоқотимиз натижалари бўйича яқуний декларация қабул қилинишини қўллаб-қувватлайман.

Азиз ҳамкасблар!

Шундай мураккаб вазиятда масъулиятли фаолиятингизни адо этиш учун барчангизга Яратгандан куч-ғайрат, мустаҳкам сихат-саломатлик, қардош халқларимизга омонлик тилаб қоламан. Ўзтиборингиз учун раҳмат.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10 апрель куни пахтакчилик ва ғаллачиликда кластер тизимини ривожлантириш, баҳорги агротехник ишларни самарали ташкил қилиш, ҳосилдорликни ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясига қарши курашиш борасидаги ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Авваламбор, дунёнинг кўплаб давлатларида коронавирсининг тез тарқалиши билан боглиқ бугунги вазият биз Ўзбекистонда карантин ва аҳолининг бесабаб кўчага чиқмаслик режимини ўз вақтида жорий этганимизни исботлаганини таъкидламоқчиман. Буни тўғри тушуниб ва маъқуллаб, сабр-тоқат билан уйда ва карантин масканларида ўтирган барча фуқароларимизга, шунингдек, ўз бурчини мардлик ва матонат билан бажараётган шифокорларимизга чуқур миннатдорлигимни билдирдим. Очигини айтиш керак, агар халқимизнинг

менталитети ва турмуш тарзини, жумладан, иш-ўқиш, тўй-маърака, маҳалла, бозор, қариндошлар, қўшинлар, дўстлар, айниқса, беморлардан тез-тез хабар олиш каби жуда кенг ижтимоий муносабатларимизни ҳисобга олсак, карантин ва чеклаш тadbирларини вақтида қиритмаганимизда, беморлар ва йўқотишлар бундан анча кўп бўлиши аниқ эди. Инфекция тарқалишини деярли бир ой давомида секинлаштириб, бу вақтдан даволаш ўринларини кўпайтириш, чет давлатларнинг даволаш тажрибасини ўрганиш ва жорий қилишда унумли фойдаландик.

Шунингдек, Россиядан 500 та сунъий нафас бериш аппаратини харид қилдик. Уларнинг биринчи қисми яқин кунларда олиб келинади. Хитойдан касалликни аниқловчи 200 минг дона ва Германиядан 50 минг дона тест олиб келинмоқда.

Биз бу илатга қарши курашишда халқаро ҳамжамият билан кенг ҳамкорлик қиляпмиз. Бугун Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг айнан шу масалага бағишланган навбатдан ташқари саммити видеоконференция шаклида бўлиб ўтди.

Анжуманда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон ва Венгриянинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус иштирок этди.

Саммитда биз Туркий кенгаш доирасида қўшма эпидемиологик кузатув тизимини шакллантириш, диагностика, даволаш масалалари бўйича ўзаро маълумотлар ва тажриба алмашиш юзасидан келишиб олдик, кенг йўлга қўйишни тақлиф этдик.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 23 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 24 мартда маъқулланган

1-модда. 21 октябрь Ўзбек тили байрами кунини этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 апрель
№ ЎРҚ—615

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ва 2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепцияси доирасида тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ундан барчанинг фойдалана олиш имкониятини таъминлаш, тиббиёт илм-фанининг замонавий ютуқлари ва технологияларини жорий этиш, аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш, турли хил, айниқса сунункали касалликлар профилактикасида ва уларни даволашда сифат, хавфсизлик ва самарадорлик жиҳатидан амалда синалган халқ табobati муҳим ўрин тутadi.

Ўтган давр ичида кўрилган чора-тадбирлар натижасида халқ табoblари томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида ҳуқуқий база шакллантирилди, Ўзбекистон халқ табobati ассоциацияси ташкил этилди, халқ табobatининг усуллари ва ютуқларини самарали ва хавфсиз тарзда қўллаш учун биринчи навбатдаги шарт-шарoтлар яратилди, уни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўналишлари белгилab берилди.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишлар тахлили халқ табobati хизматларини кўрсатишини, унинг усуллари самарадорлигини баҳолаш механизмларини янада такомиллаштириш, халқ табobatiини замонавий соғлиқни сақлаш тизимига изчил интеграциялаш, ушбу йўналишда мутахассислар ва бошқа тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Халқ табobatининг касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича самарали усулларини замонавий тиббиёт амалиётига жадал интеграциялаш, фўқаролар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий тадқиқот ишларини ўтказиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида:

1. **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Халқ табobati соҳасидаги 2014 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегия амалга оширилаётгани** маълумот учун қабул қилинсин. Унинг мақсади қуйидаги йўналишларда аъзо мамлакатларни қўллаб-қувватлашдан иборат:

саломатлик, осойишталик, инсонларга қаратилган тиббий-санитар ёрдам кўрсатишини таъминлаш, тиббий-санитария хизматлари сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш хизматлари билан ялли камраб олишни кенгайтириш ҳамда истеъмолчиларга ўз соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида онгли танлов учун имкониятлар яратишда халқ табobatининг салоҳиятидан фойдаланиш;

метeрлар ва қондаларни белгилаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда халқ табobati махсулотлари ва амалиётини соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш, кадрлар малакасини ошириш, даволаш кўникмалари, хизматлари ва усулларини такомиллаштириш йўли билан халқ табobatини хавфсиз ва самарали қўллашга лозим даражада қумаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертларини** жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон халқ табobati ассоциацияси, “Табобат” академияси ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 — 2025 йилларда Ўзбекистонда халқ табobatiни ривожлантириш концепциясини мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)** ҳамда уни амалга оширишга доир йиллар бўйича **“Йўл ҳаритаси”** билан биргаликда тасдиқлашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ушбу Концепцияни ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон Фармони билан тасдиқланган ва ҳозирда амалга оширилаётган **2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси** билан узвий боғлиқлиги;

аниқ механизмлар ва босқичларни кўрсатган ҳолда, **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқ табobati соҳасидаги 2014 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегияси**да назарда тутилган тавсиялар ва тақлифларни амалда бажариш;

Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларнинг халқ табobatiни ривожлантириш борасидаги илгор институционал тажрибасини, шу жумладан, жойига бориб кенг ўрганиш;

ўтказилган тахлиллар ва тадқиқотлар асосида **халқ табobati воситалари ва усулларининг сифати ҳамда хавфсизлигини** тартибга солишнинг институционал механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, унинг асосий йўналишларини ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон халқ табobati ассоциациясининг 2020 йил 1 майдан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга **Республика халқ табobati илмий-амалий маркази** (кейинги ўринларда — Республика маркази);

тиббиёт олий таълим муассасаларида ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида мазкур қарорнинг 8-бандида кўрсатилган молиялаштириш манбалари билан юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Халқ табobatiни ривожлантириш марказларини** (кейинги ўринларда — Худудий

марказлар) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

4. **Қуйидагилар Республика марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

халқ табobati усулларидан, шу жумладан, ўзбек халқ табobatининг тарихий анъаналари ва ўзига хос меросидан фойдаланган ҳолда касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, бошқа тиббий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

халқ табobatининг асосий йўналишларини (фитотерапия, акупунктура, аюрведа, гомеопатия, йога, моксотерапия, натуропатия, остеопатия, термал тиббиёт, хиро-амалиёт, цигун ва бошқалар) ривожлантириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашда ва замонавий тиббиётда уларни қўллаш бўйича ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш;

халқ табobatiни касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида замонавий тиббиётга интеграциялаш бўйича, шу жумладан, илмий тадқиқот ва лаборатория тадқиқотлари ўтказиш орқали тақлифлар тайёрлаш; халқ табobatiда фойдаланиладиган ўсимликларни ўстириш ва ўсимлик кўринишида бўлмаган хом ашё тайёрлашни, ушбу йўналишда лаборатория ва илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, халқ табobatiда энг қўп ишлатиладиган ўсимликлар ва хом ашёни ўстиришни маҳаллийлаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

халқ табobati бўйича мутахассисларни, тиббиёт ходимларини ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни Худудий марказларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

фўқаролар саломатлигини таъминлашда халқ табobatининг ролини ошириш борасидаги муаммоларни ўрганиш ва тақлифлар тайёрлаш юзасидан илмий-тадқиқот муассасалари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

хорижий мамлакатларнинг халқ табobati вакили бўлган ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилиш, мамлакатимизда халқ табobatiни янада ривожлантириш масалалари бўйича биргаликда анжуманлар, форумлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш.

5. Қуйидагилар:

Республика халқ табobati илмий-амалий марказининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Халқ табobatiни ривожлантириш марказлари ташкил қилинаётган тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

Республика маркази халқ табobati соҳасида **бош муассаса, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармокли клиникаси** эса ушбу соҳада мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича клиник база ҳисобланади;

Республика маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкилий тузилмасига қиради ва унга ҳисобдор бўлади;

Республика марказига Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган **директор раҳбарлик қилади;**

Республика маркази директори **меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари** бўйича Вазирлик бош бошқармасининг бошлиғига тенглаштирилади;

Республика маркази Вазирлиқнинг илмий-амалий, тадқиқот ва бошқа муассасаларини **оптималлаштириш ҳисобига тўлдирилади;**

Худудий марказлар Республика марказининг жойлардаги бўлинмалари ҳисобланади, Республика маркази уларга **методик раҳбарлик** қилади ва фаолиятини **мувофиқлаштиради;**

Худудий марказларда ўқитиш Вазирлик томонидан тасдиқланган, **Республика маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон халқ табobati ассоциацияси ва “Табобат” академияси** томонидан ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича пуллик асосда амалга оширилади; **Худудий марказларда ўқитиш қўймагининг миқдори** Республика маркази томонидан белгиланади;

Худудий марказларга тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Вазирлик томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Худудий марказларнинг битирувчиларига халқ табobati бўйича малака оширганлиги тўғрисида расмий ҳужжат деб тан олинадиган **белгиланган шаклдаги сертификат берилади;**

халқ табobati бўйича мутахассисларни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларга Вазирлик томонидан тасдиқланадиган шаклдаги **халқ табobatининг тегишли йўналишларида фаолият олиб бориш ҳуқуқини берувчи** гувоҳнома берилади;

Худудий марказларнинг директорлари Республика маркази **директори** томонидан лавозимга тайинланади;

Худудий марказларда ўқитувчилик фаолиятига тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг **профессор-ўқитувчилар тарқиб**и, халқ табobati бўйича мутахассислар ва тиббиёт ходимлари **жалб қилинади;**

Худудий марказлар ходимлигига **тиббиёт олий таълим муассасаларида тегишли лавозимлар учун ўрнатилган** меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

талаб юқори бўлган доривор ўсимликларни етиштириш ва тайёрлаш ҳамда халқ табobati соҳасида илмий тадқиқотлар

ўтказиш мақсадида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда тегишли тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари балансида турадиган ва Худудий марказларга доимий фойдаланиш учун бериладиган **1 гектаргача бўлган майдонга эга мини-плантациялар** (кейинги ўринларда — мини-плантациялар) ташкил қилинади;

Худудий марказларда илгор илмий изланишлар ва тадқиқот ишлари олиб бориш учун замонавий лабораториялар ташкил этиш ҳамда уларни зарур асбоб-ускуналар, техника ва бошқа моддий-техник ресурслар билан жиҳозлаш бўйича харажатларни молиялаштириш **Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоЯларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари**, шунингдек, қонун ҳўжатлари билан таққикланмаган бошқа манбалар **ҳисобидан амалга оширилади.**

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Вазирлик, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон халқ табobati ассоциацияси ва “Табобат” академияси билан биргаликда **2020 йил 1 июлга қадар муддатда мини-плантациялар ташкил қилиш учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни танлаш ва ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш ишларини амалга оширсин.**

8. **Худудий марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан, халқ табobati бўйича мутахассисларни, тиббиёт ходимларини ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан тушган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва ташкилотларни грантлари; ташқи бегараз кўмак маблағлари (грантлар, техник кўмаклар ва бошқалар);

юрдик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳўжатлари билан таққикланмаган бошқа манбалар.

9. Вазирлик ва Ўзбекистон халқ табobati ассоциациясининг 2020 йил 1 майдан қуйидагиларда **халқ табobati хоналарини** очиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин:

туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги давлат кўп тармокли тиббиёт муассасаларида ва ушбу муассасалар тиббиёт ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 1 нафардан штат бирлигини ажратиш орқали уларни тўлдириш;

нодавлат тиббиёт ташкилотларида.

Вазирлик бир ой муддатда ушбу банд талабларини ҳисобга олган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан тиббий фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартларини қайта кўриб чиқиш қисми бўйича қонун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таъминласин.

10. Вазирлик икки ҳафта муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Худудий марказларнинг тузилмаси ва низоми;

Худудий марказларда тингловчиларни ўқитиш дастури;

касаликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида халқ табobatининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграциясини назорат қилиш механизмлари ҳамда тартиби.

11. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан **халқ табobati усулларини қўллаган ҳолда касалликларни даволаш учун тавсия этиладиган ҳамда маҳаллий табиий ва ўсимликлардан олинadиган халқ табobati дори воситалари рўйхати** шакллантирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ табobati соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК–3968-сон қарорида халқ табobati усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари, алоқа ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган **ягона маълумотлар базасини** шакллантириш кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин. Вазирлик Фанлар академияси билан биргаликда мазкур маълумотлар базасига халқ табobati усулларини қўллаган ҳолда касалликларни даволаш учун тавсия этиладиган табиий ва ўсимликлардан олинadиган дорилар, халқ табobati воситалари, шунингдек, халқ табobati усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни киритиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

хар йилги давлат илмий-техникавий дастурлари лойиҳаларини шакллантиришда **халқ табobati бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари учун танлов эълон қилинишини** таъминласин;

Вазирлиқнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари ва Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоЯларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши қарорлари асосида **Жамғарма маблағларини мазкур қарорга мувофиқ Худудий марказларда замонавий лабораторияларни ташкил этиш ва уларни зарур асбоб-ускуналар, техника ва бошқа моддий-техник ресурслар билан жиҳозлаш учун йўналтиришни** таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Республика маркази буюртманомаларига асосан Худудий марказлар фаолиятини ва кейинчалик ишлашини ташкил

этиш мақсадида хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилиши (муддати узайтирилиши), шунингдек, ушбу хорижий фўқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шугулланиш ҳўқуқини берувчи тасдиқномалар берилиши (муддати узайтирилиши)ни белгиланган тўловларни ундирмаган ҳолда таъминласин.

14. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

уч ой муддатда Худудий марказлар фаолиятини ва кейинчалик ишлашини ташкил этиш жараёнига хорижий давлатлардан, шу жумладан, халқ табobati энг яхши ривожланган Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция ва Россия давлатларидан халқ табobati масалалари бўйича мутахассис ва экспертларни жалб қилишни таъминласин;

уч ой муддатда халқ табobati соҳасида истиқболга ва ривожланиш тажрибасига эга бўлган мамлакатлар билан ушбу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу жумладан, илмий-таълим лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича меморандум ва келишувларни имзолоашнинг мақсадга мувофиқлиги ва механизмлари тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил якунига қадар республиканинг (ташкилотларнинг) халқ табobati соҳасидаги халқаро профессионал ташкилотларга (Жаҳон акупунктура ва моксотерапия ассоциациялари федерацияси, Жаҳон хиро-амалиёт федерацияси, Жаҳон хитой тиббиёти жамиятлари федерацияси ва бошқаларга) аъзо бўлиши масаласини кўриб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақлифларни киритсин;

б) Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар Худудий марказлар қўғубоналарини Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Мўхаммад ибн Закарий ар-Розий, Абу Мансур Кумрий, Исмоил Жўржоний каби қомусий олимлар, файласуфлар, табиилар ва халқ табobati соҳасидаги бошқа буюк аждодларнинг илмий меросини ўрганиш билан боғлиқ ишлар тўпламларининг нусхалари билан таъминласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Ўзбекистон халқ табobati ассоциацияси, “Табобат” академияси ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли ўртасида халқ табobatининг, касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашда қўланиладиган доривор ўсимликларга асосланган табиий махсулотларнинг афзалликларини кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

15. Республика маркази Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани, Паркент қўчаси, 51-ўй манзилида жойлаштирилсин.

16. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур қарорнинг бевосита ижросини таъминлаш қуйидаги шахслар зиммасига юклансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ўринбосари — мазкур қарорни сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро қилиш, масъул вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва ҳокимликлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, **кўрилган чоралар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисобларини мунтазам эшитиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишни** таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шодмонов — Республика маркази ва Худудий марказлар иши самарали ташкил этилиши, уларнинг келгусида фаолият юритишини таъминласин, Ўзбекистон Республикасида халқ табobatiни янада ривожлантириш масалалари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа халқаро ва ноҳукумат тузилмалар билан **яқин ва фол ҳамкорлиқни** ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Б. К. Юсупалиев — касалликларни **профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш** масалаларида **халқ табobatининг** замонавий тиббиётга босқичма-босқич **интеграциялашувини**, халқ табobati усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи **шахсларни хатловдан** ўтказиш ва уларни кейинчалик тегишли гуруҳларга таснифлашни таъминласин; масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — **барча тадбирларни** мазкур қарорга мувофиқ белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли бажарсин, **қўйилган вазифаларни амалга оширишда** Вазирликка ёрдам кўрсатсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 апрель

ҚИШЛОҚ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Мана сув таъминоти жуда оғир бўлади. Шунинг учун сув ресурсларини тежаб ишлатиш гоЯт муҳим, сувни 2 баробар иқтисод қилиш чораларини кўриш зарур.

Сув ҳўжалиги вазирлигига ушбу ҳаётий ресурсларнинг аниқ ҳисоб-китоблар асосида ажратилишини таъминлаш, бу йил 150 минг гектар майдонда сув тежевчи, жумладан, 44 минг гектарда томчилатиб сўғириш технологияларини жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Видеоселектор йиғилишида галлачиликка доир чора-тадбирлар ҳам муҳокима қилинди.

Пандемия натижасида охириги уч ойда мамлака-тимизга кириб келаётган уч ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 50 фоиз, дон 31 фоиз камайди. Бугунги эпидемиологик вазият ҳар қандай шароитга тайёр бўлиш даркорлигини, озиқ-овқат аҳолининг талаби даражасида захира қилиниши зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўтган йили галланнинг давлат харид нархлари оширилиб, деҳқонларнинг манфа

Мана сув таъминоти жуда оғир бўлади. Шунинг учун сув ресурсларини тежаб ишлатиш гоЯт муҳим, сувни 2 баробар иқтисод қилиш чораларини кўриш зарур.

Сув ҳўжалиги вазирлигига ушбу ҳаётий ресурсларнинг аниқ ҳисоб-китоблар асосида ажратилишини таъминлаш, бу йил 150 минг гектар майдонда сув тежевчи, жумладан, 44 минг гектарда томчилатиб сўғириш технологияларини жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Видеоселектор йиғилишида галлачиликка доир чора-тадбирлар ҳам муҳокима қилинди.

лиқ кластери фермерларга намуна бўлиб, олинган қўшимча дон ҳисобидан аҳолига арзон гўшт, балиқ ва паррандачилик махсулотлари қилиб бериш мақсада мувофиқ.

Пандемия даврида барча давлатлар озиқ-овқат махсулотлари танқислиги юзага келишининг олдинчи олишига қаратилган жиддий чоралар кўрмоқда. Ўтган йили май — декабрь ойларида юртимизга 116 минг тонна кунгабоқар, 7 минг тонна соя, 15 минг тонна гуруч, 2,6 минг тонна дуққақли экин-эўмларни импорт қилинган.

Бу озиқ-овқат махсулотлари турлари ва ҳажминини кўпайтириш устида жиддий ишлаш кераклигини англатади. Нафақат импорт ўрнини тўлдириш, балки янги экспорт бозорларида ўрин топиш зарур. Шунда ҳозирги глобал инқироздан кучли давлат бўлиб чиқиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳажминини кўпайтириш мақсадида 10 минг гектар янги бог ва 9 минг гектар тоқзорлар орасига картошка, सबзи, пиёз, саримсоқпиёз, кўкат, нўхат, мош, лоя, помидор, бодиринг, бўлғор қалампир ва полиз экинлари экиш бўйича кўрсатма берилди.

Бахмал, Янгибод, Форш ва Қўшработ туманларида юзлаб қудуқлар қазилиб, 10 минг гектар лалми ер майдонларида узумзорлар барпо этилган эди. Йилгиллида бу тажрибани барча вилоятларда жорий қилиш, лалми ерли туманларга бургиллаш техникалари етказиб бериш зарурилги қайда этилди.

Барча сектор раҳбарлари ўз ҳудудида озиқ-овқат захирасини ҳисоб-китоб қилиб, ички имкониятларини кенгайтириб бориши кераклиги айтилди.

Соҳа мутаассаддилари, вилоят ҳокимлари ва клас-терлар раҳбарлари йилгиллида белгиланган вази-фалар ижросини ташкил этиш юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЁВВОЙИ ҲОЛДА ЎСУВЧИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ,
МАДАНИЙ ҲОЛДА ЕТИШТИРИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА МАВЖУД РЕСУРСЛАРДАН
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллий флорага мансуб **4,3** мингдан ортиқ ўсимликларнинг **750** тури доривор ҳисобланиб, улардан **112** тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан **70** тури фармацевтика sanoатида фаол қўлланиб келинмоқда.

2019 йилда **48** миллион АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган.

Шу билан бирга, таҳлиллар доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш, қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш зарурилигини кўрсатмоқда.

Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун кулай муҳит яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 1 майдан бошлаб доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерларини (кейинги ўринларда — доривор ўсимликлар кластери) ташкил этиш, шунингдек, худудларни доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштириладиган ҳудудлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) доривор ўсимликлар кластерига ер майдони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва ташаббускорлар ўртасида тузиладиган битим асосида ажратилади;

б) хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этиладиган доривор ўсимликлар кластерига ер майдони Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон фонди ерларида эса Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан тузиладиган инвестиция қиритиш тўғрисидаги шартнома имзолангандан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ажратилади.

Бунда, доривор ўсимликлар кластерларига ер майдони доривор ўсимликлар етиштиришга мос бўлган, юридик ва жисмоний шахсларга ажратилмаган ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан, захирадаги ерлардан, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерларидан ажратилади;

в) доривор ўсимликлар кластерини ташкил этадиган ташаббускор томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ўрмон фонди ерларида — Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси)га қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

доривор ўсимликлар кластерини ташкил этиш бўйича ариза;

доривор ўсимликлар кластери фаолиятини ташкил этишда доривор ўсимликларни етиштириш, муҳофаза қилиш, қайта ишлаш ва ресурс теҳайҳатда технологияларни жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан бизнес-режа ёки техник-иктисодий асоснома;

доривор ўсимликлар кластерининг фаолият юритиши учун зарур инфратузилма объектлари (фойдаланиш ҳукуқи асосида), шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларнинг мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари доривор ўсимликлар кластерларини ташкил этишда иктисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритаётган, зарур инфратузилма объектлари, шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларга эга бўлган салоҳиятли юридик шахсларни танлаш ва шакллантиришга шахсан масъул ҳисобланади.

4. Қуйидагилар доривор ўсимликлар кластерининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

доривор ўсимлик етиштирувчилар билан етиштирилган маҳсулотни харид қилиш бўйича шартномалар тузиш, уларни уруғлик, минерал ўғитлар, техника, ёқилғи ва бошқа воситалар билан таъминлаш;

ихтисослаштирилган ҳудудларда доривор ўсимликларни етиштириш, уруғликлар ва кўчатлар тайёрлаш, босқичма-босқич замонавий доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этиш;

доривор ўсимликларни етиштириш ва уруғчилигини ташкил этишда илгор илм-фан ютуқларини қўллаш;

доривор ўсимликлар етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича халқаро ташкилотлар билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш ва соҳага босқичма-босқич инновацион ечимлар (ноу-хау) жорий этиш;

доривор ўсимликлар етиштириш ва уларни қайта ишлашга хорижий компанияларнинг инвестициялари ҳамда илгор технологияларини жалб қилиш;

доривор ўсимликлар ва улардан олинадиган маҳсулотларга бўлган ички бозор талабини қондириш ҳамда уларни экспорт қилиш;

таъриба ва маълумотларнинг доимий алмашинувини ташкил этиш орқали ушбу йўналишдаги хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, халқаро тадқиқот дастурлари, анжуманлар ва симпозиумларда иштирок этиш.

ХИТОЙДАН НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистоннинг Пекинда жойлашган элчихонаси ҳузурида ташкил қилинган тежор штабда COVID-19 коронавирусига қарши курашишда зарур бўладиган дори-дармон ва тиббий воситаларни йиғиш, уларни юртимизга жўнатиш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу каби мақсад-вазифалар хитойлик ҳамкорлар ва ишбилармон доира вакиллари фаол кўмағида амалга оширилаётир.

Дўстлик риштаси

Сайт-ҳаракатларнинг амалий натижа-си уларок, жорий йил 10 апрель куни мамлакатимизнинг Хитойдаги элчихона-си ҳамда Шанхайдаги Бош консуллиги томонидан шакллантирилган бегараз инсонпарварлик ёрдамчининг тўртинчи жўнатмаси, шунингдек, республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан харид қилинган тиббий ускуналар Ўзбе-кистон Мудофаа вазирлигининг махсус самолётида Тошкентга етказилди.

Ушбу юк таркибида функционал тиб-бий каравотлар, ўпкага сунъий ҳаво узатиш ускуналари, полимераза занжир-ли реакцияси қурilmалари, болалар ва катталар учун миқнобар билан таъмин-ланган амбукулар, рақамли рентген ди-агностика тизимлари, эхокардиография ва томир доплерлари учун кардиология сенсори бўлган ультратовуш аппарат-


лари ҳамда чакалоқлар учун ўпкага сунъий ҳаво узатиш ускуналари бор. Шунингдек, билдирубинчи тери орқали ақла-шга мўлжалланган жиҳозлар, жарроҳ-лик амалиёти учун лампалар, ҳаво қабул қилиш шакафлари, жарроҳлик амалиёти столлари, гидравлика билан бошқари-ладиган столлар, "ANDIS 350" тахлил ус-куналари ва бошқа тиббий воситалар ҳам келтирилди.

Инсонпарварлик ёрдами Ўзбекистон-да фаолият юритаётган Хитой тадбир-корлари уюшмаси, шунингдек, "Beizhong Yiling", "Narimtex", Янлин қишлоқ хўжа-лиги намойиши худуди, "Jiu Mu Touzi", "China Construction", "Jiangsu Newamstar Packaging Machinery", "Jiangsu Penfei", "Xiamen Pegasus", "Holley Technology", "Nanjin Sinopec", "Luoyang Daxing company", "Shanghai Municipality",

"Liaoning Leader Investment Holding Group Co.,Ltd.", "Sany Heavy Industry Co.,Ltd" каби компания ва ташкилотлар томони-дан тақдим этилди.

Ўзбекистонлик тadbиркор Гулбаҳор Тожимирзаева ҳамда футбол бўйича миллий терма жамоамиз сардори Одил Аҳмедовнинг тиббий бўюмлар қўрни-шидаги хайрия юклари ҳам ушбу само-лётда мамлакатимизга олиб келинди.

Қайд этиш жоиз, "Alibaba Group" ком-панияси ва Жек Ма номидаги жаамгар-ма коронавирусга қарши кураш доира-сида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, шу жумладан, Ўзбе-кистонга ҳам инсонпарварлик кўмағини кўрсатган эди. Ҳимоя миқнобарли ва комбинезонлар, тест тизимлари, пире-метрлардан иборат юкнинг асосий қисми жорий йил 6 апрель куни мамла-



катимизга олиб келинди. Бугун эса жаамгарма тақдим этган нафас йўллари-да ижобий босимни таъминлайдиган 10 та аппарат ҳам юртимизга етказилди. Мамлакатимизда коронавирус эпи-демиясига қарши қатъий чоралар қўри-лаётган айни кунларда хитойлик ҳам-корларнинг тиббий воситалар қўрни-шида ёрдам бераётгани Ўзбекистон ва Хитойнинг нафақат яқин ва ишончли ше-рик, балки умумий офатни биргалик-да бартараф қилишга тайёр содиқ дўст эканини намоён этади.

«Дунё» АА.

илмий-ишлаб чиқариш маркази Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида мавжуд штат бирикларни доирасида доривор ўсимликлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехникаси бўлимини ташкил қилсин.

Бунда, мазкур бўлимга доривор ўсимликларни етиштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда агрокимёкартограммалар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Агросаноат мажмуи ва озик-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, тижорат банклари билан биргаликда доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, уруғчилиги ва оналик кўчатзорларини ташкил этиш учун халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг маблағлари ва грантларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Белгилансинки:

камайиб бораётган табиий ҳолда ўсувчи ноёб доривор ўсимликларни тўплаш (гамлаш) ва ташқарига олиб чиқиш учун рухсатномалар ажратиладиган квотанинг **камида 50 фоизи** ҳақида табиий плантацияларни барпо этиш шарти билан берилди;

доривор ўсимликларни тўплаш (гамлаш), уларни олиб кириш ва ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар учун, аризаларни қўриб чиққанлик ва рухсатнома берганлик учун ундирилиб, маҳаллий бюджетга йўналтириладиган тўловлар (ўрмон фонди ерлари бундан мустасно) табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан, йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш учун сарфланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан, йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш учун маҳаллий бюджетга йўналтириладиган маблағлар сарфланишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

а) Фанлар академияси билан биргаликда:

йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар муҳофазасини кўчайтириш, уларни табиий плантациялар барпо этиш йўли билан тиклаш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда камайиб бораётган ноёб доривор ўсимликлар мавжуд бўлган "махсус ҳудуд"ларни ахратиш ва уларни муҳофазага олиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар қиритсин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталарни ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига қиритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги **бир ой муддатда**:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳалар бўйича грант танловларини эълон қилишни таъминласин. Бунда, доривор ўсимликлар маданий плантацияларини яратиш, уруғчилиги оналик кўчатзорларни ташкил этиш ва инновацион технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин;

доривор ўсимликлар маданий плантацияларини барпо этиш ва қайта ишлаш бўйича "стартап" лойиҳалар шакллантирилишини ҳамда грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида **“Ўзбекистон доривор ўсимликлари” кичик инновацион корхонасини** ташкил этсин. Бунда, ушбу корхонанинг асосий вазифаси этиб доривор ўсимликларнинг намунавий кластерини ташкил этиш, доривор ўсимликларга оид илмий тадқиқот ишлари натижаларини жорий этиш ва тарғиб қилиш, худудларда фитобарлар очиш, доривор ўсимлик етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш, халқаро молия институтлари маблағларини, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади.

Белгилансинки, “Ўзбекистон доривор ўсимликлари” кичик инновацион корхонаси фаолияти Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жаамгармаси маблағлари, банк кредитлари, ташаббускорлар маблағлари, ҳомийлик, хизмат кўрсатишдан тушадиган, халқаро молия институтлари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 2025/2026 ўқув йилига қадар ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимида доривор ўсимликларга оид махсус соатларни ўқув режаларига қиритсин;

2020/2021 ўқув йили бошлангунга қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўқув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмаларга доривор ўсимликлар ҳақида маълумотлар киритилишини таъминласин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб мактаб ва олий таълим муассасаларида фитобарлар ташкил этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йилнинг 1 июнидан бошлаб босқичма-босқич барча вазирлик ва идораларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти ҳамда маҳаллий аэропортларда, барча турдаги автовокзал, темир йўл вокзалларида, бозорлар, санаторий-курорт муассасаларида ҳамда бошқа аҳоли гавжум жойларда фитобарлар ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Белгилаб қўйилсинки, тadbиркорлик субъектлари томонидан давлат муассасаларида фитобарлар ташкил этилганда, давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови белгиланган миқдорлари 50 фоизга камайитирилган ҳолда ҳисобланади.

Бунда, фитобарлар вендинг автоматлари орқали ташкил қилинган ҳолларда, давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари ҳисобланмайди.

19. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг палата марказий аппаратида мавжуд штат бирикларни доирасида **Доривор ва зирavor ўсимлик етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўлимини** ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин;

Бунда, мазкур бўлимининг асосий вазифалари доривор ва зирavor ўсимлик етиштирувчилар манфаатларини қўллаб-қувватлаш, хорижий мамлакатларда кўргазмалар ташкил этиш, етиштириладиган доривор ва зирavor ўсимликларнинг хусусиятлари, улар етиштириладиган худудлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи электрон ахборот тизимини яратиш эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озик-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (Ў. Барноев):

икки ҳафта муддатда 2020 йилда доривор ўсимликларни етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчилар томонидан ташкил этиладиган кластерларнинг маъзилли рўйхати ва доривор ўсимликлар етиштиришнинг прогноз кўрсаткичларини тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг тақлифига кўра, ҳар йили 1 октябрга қадар доривор ўсимликлар кластерлари ташкил этувчиларнинг рўйхатини шакллантирсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** доривор ўсимликлар маданий плантацияларини ва оналик кўчатзорларини барпо этиш учун олиб келинадиган уруғ ва кўчатлар учун карантин рухсатномасини бериш тартибини соддалаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қиритсин.

22. Агросаноат мажмуи ва озик-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг бюрютмасига асосан доривор ўсимликлар соҳасида халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида доривор ўсимликлар етиштирувчилар, қайта ишловчилар ва мутахассисларни хорижий мамлакатларга юборсин.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари:

Ўзбекистон доривор ўсимликлари кичик инновацион корхонаси томонидан намунавий доривор ўсимликлар кластерлари ва жойларда фитобарлар ташкил этилишини;

Доривор ўсимликлар кластерларига доривор ва зирavor ўсимликларни етиштиришга мос бўлган ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

24. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар қиритсин.

25. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига доривор ўсимликларнинг тиббий аҳамияти, тиббиётда қўлланилиши, халқ табобати, доривор ўсимликлар тиббий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларни ташкил этиш, инновацион технологияларни жорий қилишга оид махсус кўрсатувлар ва роликларни мунтазам намойиш этиб бориш юклатилсин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 апрель

Молия муассасаларида

Омонатлар муддатлари узайтирилади

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида муддати апрель ёки май ойигача бўлган миллий валютадаги аҳоли омонатлари муддатлари узайтирилиши белгиланди.

Жорий йилнинг 9 апрель куни Президентимиз бошчилигида коронавируς пандемияси шароитида банк тизимининг барқарор иш-лаши ҳамда иктисодиётга кўмаки бўлишини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказил-ган йиғилишда қатор масалалар муҳокама этилиб, кўпчилик банкларнинг ўз миқжозлари учун жорий қилаётган имтиёзлари алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари банклар аҳолида ишонч ва ҳурмат уйғотадиган яна қўллаб ташаббуслар билан чиқishi мақсадга мувофиқлигини қайд этиб, хусусан, сақлаш муддати тугаган омонатлар даврийлигини узайтириш ва уни жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш тақлифини ўртага ташлади.

Маълумки, “Ўзсаноатқурилишбанк” томо-нидан ушбу амалиёт жорий йилнинг 8 апре-лидан бошлаб ишга туширилиб, бу ҳақда му-

ассасанинг барча ижтимоий тармоқлари-да эълон қилинган эди.

Тартибга кўра, сақланиш даври апрель ёки май ойигача бўлган аҳолининг мил-лий валютадаги омонатлари муддати ав-томатик равишда уч ойга бир томонлама узайтирилади.

Бунда амалдаги ставкалар бўйича фоизлар ҳисобланиши давом этиб, ка-майитирилмайди.

Агар миқжоз омонатининг узайган даври тугагандан сўнг ўз маблағини ечиб олишга қарор қилса, ҳисобланган устама тўловлари банк томонидан тўлиқ ҳақмда тўла-ниши кафолатланади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

■ «Хукумат соати»

ЕОИИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Вазирлар Маҳкамаси вакиллари ушбу масалада депутатлар саволларига жавоб қайтаришди.

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги қандай шаклда бўлиши манфаатли саналади? Депутатлар ва сенаторлар зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, парламент палаталарида мазкур масала юзасидан асосланган хулосаларини айтишмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари ҳамда сиёсий партиялар фракцияларида ушбу масала онлайн муҳокама қилиниб, кенг таҳлил этилаётгани унинг долзарблигини кўрсатади.

Кеча парламент қўйи палатасида видеоқонференцалока тарзида ўтказилган “Хукумат соати”да Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигига оид депутатлар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазيري С. Умурзоқов, молия вазيري Т. Ишметов, Бош вазирнинг маслаҳатчиси К. Рашидов, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик, идоралар масъул ходимлари, мутахассислар ҳамда экспертлар масофавий иштирок этишди.

Тадбирда ЕОИИ билан интеграциялашув жараёни кечган тақдирда ташқи савдо, боғжона-тариф тизимини тартибга солиш, бюджет, банк ва молия соҳаси, бандлик, таълим, тиббиёт, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш масалаларида қандай ижобий ёки салбий ўзгаришлар рўй бериши масалаларига тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари А. Қодировнинг ЕОИИ билан муносабатлар иттифоққа аъзо бўлмаган қўшниларимиз — Тожикистон ва Туркменистон билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларимизга қандай таъсир кўрсатишига оид саволига Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазيري С. Умурзоқов жавоб қайтарди.

— Қўшни мамлакатлар билан амалдаги икки томонлама ва Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги кенг қамровли келишувлар асосида ҳамкорлик олиб боришмоқда, — деди вазир ўз жавобида. — Иқтисодий, сиёсий муносабатларимиз ривожланишида тизимли ишларнинг давом эттирилиши, албатта, биз учун устувор йўналишлардан биридир. Шу ўринда алоҳида айтиб ўтиш лозим, масалан, Тожикистон 2015 йилдан бери ЕОИИ интеграциялашув масаласини ўрганиб келмоқда. Шу билан

бир пайтда, Тожикистон ЕОИИ давлатлари томонидан ташкил этилган Евроосиё таракқиёт банки билан фаол ҳамкорлик қилиб келади. Туркменистон томонидан ҳам ҳозирги пайтда дунёда таркиб топаётган интеграцион ташкилотлар билан турли кўринишдаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар олиб борилаётганини таъкидлаш лозим. Ана шу омилларни инобатга олиб, ЕОИИ билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган йўналишимиз бўйича режаларимиз мазкур давлатлар билан муносабатларимизга кескин салбий таъсир кўрсатмаслигига ишонамиз.

Шунингдек, тадбирда иқтисодиётнинг йирик тармоқлари, жумладан, ташқи рақобатдан нисбатан ҳимояланган саноат тармоқларининг ўрта ва узоқ мuddатда ривожланиш сценарийлари ва уларнинг оқибатларини баҳолашга оид Ҳукумат вакиллари томонидан амалга оширилган таҳлиллар натижаларига эътибор қаратилди.

Сиёсий партиялар фракциялари ва кўмиталар аъзолари томонидан ижтимоий тармоқларда ЕОИИ билан ҳамкорлик масаласи бўйича аҳоли (электорат) билан доимий онлайн мулоқотлар олиб борилаётгани ҳамда фуқаролар ушбу масала юзасидан ўз муносабатларини билдирётгани айтиб ўтилди.

Муҳокамалардан сўнг, инвестициялар ва ташқи савдо ҳамда молия вазирларининг депутатлар саволларига жавоблари маълумот учун қабул қилинди. Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан интеграциялашув иштирокчиларини ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, ушбу масала бўйича илгор ҳужжатларнинг таъсирдор ва мутахассисларнинг асосланган хулосалари юмлаштириш вазифалари юклатилди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигига оид масала юзасидан баҳслар, муҳокамалар давом эттирилиш қайд қилинди. Яқин кунларда бу бўйича “Парламент эшитув”и ўтказилиши ҳам режалаштирилди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

Элимиз дастурхони тўқис бўлади

Озиқ-овқат таъминоти, хусусан, инсонларни едириб-ичириш масаласи бутун дунё давлатларини ҳиддий ўйлантираётгани бугун айна ҳақиқат. Мамлакатимизда ҳам бу масала ниҳоятда долзарблик касб этиб, йилгига ярим миллиондан ошиб бораётган халқимиз ризқини бутун қилиш, дастурхони тўқинлигига эришиш осон эмаслиги барчага аён. Шу боис Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 8 апрелда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ана шу долзарб масала яна бир бор таҳлил қилинди.

■ Томорқачилик

Унда томорқани оилавий бизнесга айлантириб, йилгига уч мартагача ҳосил этиштириш ҳисобига 50 — 60 миллион, ҳатто 100 миллион сўмгача даромад олаётган оилалар мисол қилиб келтирилди.

Таъкидлаш керакки, Наманган вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилиб, кафтдек ердан тонна-тонналаб ҳосил олиш билан истеъмол бозорини тўлдиршига муносиб ҳисса қўшаётган миришкор инсонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, бугун вилоятдаги 775 та маҳаллада 372,4 минг хонадон бўлиб, уларнинг аксарияти томонидан 19,9 минг гектар майдонда томорқа ҳўжалиги юритилляпти. Мазкур майдонларнинг 9 минг гектарига кузда экилган тўқсонбости экинлар ҳосилининг

олди бозорга чиқарилди. Қолган 10,8 минг гектарига эса эртаки ҳамда ўртаки экин экиш ишлари давом эттириляётир. 2020 йилда деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларида баҳорги экинлардан 296 минг 679 тонна кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари олинйиш кўтилмоқда.

Йиллар давомида тўпланган тажриба томорқачиликни жадаллик билан ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаш ўринлидир. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги 48 та маҳалла “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида сабзавот-чилик, қўкат этиштириш, гулчилик, қўчатчилик ва иссиқхона йўналишлари бўйича ихтисослаштирилди. Жорий йилда табиий иқлими, туп-

роқ шароитидан келиб чиққан ҳолда, яна 52 та маҳалла томорқачилири улар сафига қўшилди. Мисол учун, Уйчи туманининг Исломобод маҳалласидаги 785 та хонадонда 85 гектар, Истиқлол маҳалласидаги 120 та хонадонда эса 75 гектар ерда иссиқхона маҳсулотлари ва ҳар хил қўкатлар этиштириляпти. Бундай манзарани Наманган шаҳри ва барча туманларда ҳам учратиш мумкин.

Мўл-кўлчилик манбаига айланган томорқачиликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилотларнинг доимий эътиборида. Чунончи, вилоят ҳокимининг тегишли фармойиши билан жорий йилда аҳолининг томорқадан самарали фойдаланишини ташкил этиш мақсадида 24 минг гектар

майдонга 1,5 минг тонна ёнилги мойлаб материаллари, 5 минг тонна минерал ўғит, 3,9 минг тонна уруғлик маҳсулотлари етказиб бериш кўзда тутилган.

Кам таъминланган томорқа ер эгаларига экин экиш юзасидан амалий ёрдам бериш чоралари белгиланганлиги ҳам кўпчилиكنи қувонтирмоқда. Уларга маҳаллий бюджет ҳисобидан сабзавот уруғлари ва мевали дарахт қўчатлари учун маблағлар ажратилиб, салоҳиятли фермер ҳўжаликларига бириктириб қўйилган.

Наманганда 2019 йилда 2670 та замонавий ихчам иссиқхоналар ташкил этилди. Жорий йилда экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ташқи бозорга чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида ҳар бир

35497 та деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари мавжуд. 1596 гектар экин майдони бўлиб, ҳозирда 1543 гектар майдонда экин ишлари якунланди. Шундан 573,2 гектарда ўн беш турдаги сабзавот маҳсулоти, 9 гектариди дуқакли экинлар етиштирилди. 234 гектар майдонга картошка экилди.

Яна бир муҳим жиҳати, туманда йилдан-йилга иссиқхоналарнинг кўпайиб бораётганидир. Ҳозирги кунда 1049 та иссиқхона мавжуд. Шундан 258 таси 2019 йили ташкил этилди. Жорий йилда 5,1 гектар майдонда 425 та иссиқхона ташкил қилиниши режалаштирилган. Бу иссиқхонанинг 340 таси намунавий лойиҳа асосида ташкил қилинади. Видеоселекторда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан хонадонларда ихчам иссиқхоналар қуриш муҳим эканлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Бугун, гарчи, пандемия барчамизни уйимизда “михлаб қўйган” бўлса-да, томорқамизга меҳнат қилишдан маҳрум этолмайди. Демак, баҳорнинг ҳар бир кунини ганимат билиб, экин-тикин ишларини тезроқ, якунига етказайлик. Томорқамизни асло қаровсиз қолдирмайлик. Уни қаровсиз қолдириш, Президентимиз таъбири билан айтганда, аввало, юртга ва ерга хиёнатдир. Ҳар бир қарич унумдор ернинг қадрига етайлик.

Барно МИРЗАОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасининг
Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари
қўмитаси аъзоси.

сари, бир неча вазирлар иштирокида “Хукумат соати” ташкил этилди.

Унда “Адолат” СДП фракцияси аъзолари томонидан Ҳукумат вакилларига иқтисодиётимиз, корхоналаримиз очик рақобат муҳитига қанчалик тайёр эканлиги, эҳтимолий зарарларнинг олдини олиш учун қўрилаётган чоралар, 95 фоиз қисми ЕОИИга аъзо бўлмаган давлатлардан импорт қилинадиган фармацевтика ва тиббий ускуналар импортига аъзоликнинг таъсири каби саволлар берилди. Ҳукумат вакиллари томонидан тегишли жавоблар қайтарилди.

Шу ўринда қайд этишимиз жоиз, биз яна бир бор мазкур иттифоққа аъзо давлатларнинг иқтисодий ва ҳаттоки, сиёсий ҳолатини ўрганишимиз, уларнинг эришган ютуқ ва муваффақиятсизликлари таҳлилида ўзимиз учун зарур хулосалар чиқаришимиз даркор. Бу жараёнда ЕОИИга аъзо давлатлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, келишув ва битимларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳолига, фуқароларимиз манфаатларига қай даражада таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор қаратишимиз шарт.

Масаланинг барча жиҳати, салбий ва ижобий омилларини чуқур таҳлил қилиб чиқиш мақсадига мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари,
«Адолат» СДП
фракцияси раҳбари.

ҲОЗИРГИ ДАВРДА НУРОНИЙЛАР ЕЛКАСИДАГИ ЮК ЯНАЯМ САЛМОҚЛИ

Коронавирус пандемияси бугун, ҳатто, иқтисодий жиҳатдан қудратли ва соғлиқни сақлаш тизими ўта ривожланган давлатларни ҳам саросимага солиб қўйди. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда танланган йўл, белгиланган чора-тадбирлар коронавирუსни жилавлaш, инфекциянинг аҳоли ўртасида кенг тарқалишининг олдини олишда қўл келяпти.

■ Саховат

Юртбошимиз 3 апрель кунги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида халқимизга учинчи бор мурожаат қилиб, юртдошларимизни бир мушт бўлиб жипслашиш, барча фуқароларни ҳамжихатликда тартиб-қоидаларга қатъий амал қилишга қаҳирди. Мурожаат асосида нуруний отахонларимиз ва мунис онахонларимиздан ўз соғлигини асраш, шифокорларнинг тавсияларини тўла бажариш, энг муҳими, карантин даврида кўчага чиқмай набаиралар ардоғида вақт ўтказишларини сўрагани барча нурунийларни тўқинлантирди, десак, муболага эмас.

Дарҳақиқат, ёши улуг инсонлар азалдан набиралари, ўсиб келаётган ёш авлод қамоли йўлида масъул бўлишган. Бугунги вазиятда эса уларнинг елкасидаги юк янаям салмоқли. Яъни ёшларнинг китоб ўқиши, дарсларни ўз вақтида бажаришини назорат қилиши, бу борада тўғри тавсия ва йўл-йўриқ кўрсатиши керак бўлади.

Мурожаатда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам қатор чоралар қўрилаётгани, жумладан, карантин даврида ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга 18 турдаги асосий озиқ-овқат ва гигиена воситалари бепул етказиб берилиши, жорий йил март — июнь ойларида мuddати тугайдиган болали оилаларга нафақа, бола парварিশлаш нафақаси ҳамда моддий ёрдамларни тўлаш учун қўшимча мурожаат ва ҳужжатлар талаб этилмаслиги, улар автоматик тарзда 6 ойдан 1 йилгача узайтирилишига, бу даврда бошқа муҳтож оилаларга ҳам шундай нафақалар тайинлаш давом эттирилишига, бу чоралар орқали яна 120 мингдан зиёд кам таъминланган оилалар қамраб олинйиш алоҳида қайд этилди.

Айтиш жоизки, бу борада “Нуруний” жағмармаси томонидан ҳам кенг қўламини ишлар олиб бориляпти. Хусусан, Республика бошқарувининг хайрия маблағлари ҳисобидан коронавирус билан касалланган фуқаролар-

ни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондида 50 миллион сўм ўтказиб берилди. Республикаимизнинг барча туман (шаҳар)ларида тузилган “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари деҳқон бозорлари ва савдо шохобчаларида озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нархи сунъий олиб кетмаслиги бўйича тарғибот ишларини олиб бормоқда. Айни шу гуруҳлар томонидан жойларда қатор хайрли юмушлар ҳам бажарилмоқда. Масалан, Наманган вилоятининг 775 та маҳалласида ушбу гуруҳлар томонидан 110 нафар эҳтиёмжанд, ётиб қолган кексалар ва ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда “Нуруний” жағмармаси ҳисобидан 25 миллион сўмлик қундалик эҳтиёж жихозлари етказиб берилди.

Шунингдек, юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида эҳтиёмжанд кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича хонадонлар рўйхати шакллантирилиб, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Навоий вилояти бўйича 21 млн., Фаргона вилояти бўйича 33 млн. 700 минг, Сурхондарё вилояти бўйича 12 млн. сўмлик хайрия тадбирлари амалга оширилди.

Мурожаатдаги яна бир жиҳатни айтмасак бўлмайди. Гап шундаки, аҳолиси зич, қўшнилари билан савдо алоқалари ўта ривожланган бўлишига қарамасдан япон халқи вируснинг кенг тарқалишига йўл қўймади. Уларга бу натижага юқори гигиенага асосланган қундалик турмуш тарзи, миллий урф-одатлари орқали эришди. Аслида, бизнинг халқимизда ҳам японларникидан сира қолшимайдиган ўзимизга хос урф-одатларимиз борки, нурунийлар буни ўзларининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиришлари талаб этилади. Ана шунда “қўринмас ёв”ни тезроқ жилавлыймиз.

Содиқжон ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Қаҳармони,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси,
Республика «Нуруний»
жағмармаси раиси.

ЧУҚУР ЎРГАНИШ, КЕНГ КўЛАМЛИ ТАҲЛИЛЛАРНИ ТАЛАБ ЭТАДИГАН ЖАРАЁН

Кейинги йилларда барча соҳа қатори мамлакат ташқи сиёсати ҳам янги йўналишда ривожлана бошлади. Бунда очиклик ва тенглик принципи энг устувор ғоя сифатида қаралди. Айниқса, яқин қўшничилик муносабатларига путур етган ён-атрофимиздаги мамлакатлар билан ўзарo манфаат ва қардошлиқ аънаналари асосида ҳамкорликнинг янги даврига қадам қўйилди. Узоқ йиллар низоларга сабаб бўлган чегара, сув манбалари, энергетика муаммолари бартараф этилди. Айнан Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё минтақаси бир мақсад йўлида яна бирлашди.

■ Нуктаи назар

Бундан ташқари, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки сингари йирик молиявий ташкилотлар билан тўхтаб қолган алоқалар қайта тикланди. Президентимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мин-барларидан илгари сурилган қатор ташаббуслар дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди ва аксарияти бугун ўз ихросини топмоқда. 2019 йилдан мамлакатимиз Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг тўлақонли аъзосига айланди. Умуман, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон биз билан ҳамкорлик қилишни истаган давлат ва тўзиммалар учун очиклигини маълум қилди ҳамда алоқалар тенг, ўзарo манфаат асоси-

га қурилган бўлиши лозимлигини бот-бот такрорлаб келмоқда. Шу нуктаи назардан айтганда, айнаи пайтда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги масаласида олимлар, экспертлар, фаоллар, журналистлар умуман, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб таҳлиллар ва фикр-мулоҳазалар айтиляпти.

Ҳукумат томонидан бу бўйича Қонунчилик палатасига тегишли таҳлилий материаллар киритилди. Мазкур масалани атрофлича ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарида ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Бундан ташқари, Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси қошида ҳам ишчи гуруҳ тузилди. Фракция йиғилишларида ишчи гуруҳ ўзининг даст-

лабки фикрларини тақдим этди. Мазкур хулосалар асосида шакллантирилган партия позицияси аҳолини ҳабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Шу билан бирга, депутатлар, фаолларимиз ўз муносабатлари билан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишди. Унда масаланинг ижобий жиҳатлари билан бирга, салбий жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтилмоқда. Холислик ва таҳлилларга асосланган муносабатларда, энг аввало, халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фикрлар билдирилипти. Аҳамиятисиз, мазкур чиқишлар аҳолиимизни ҳам бефарқ қолдиргани йўқ.

Чиндан-да, аҳоли даромадларини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайитириш учун бизча янги-янги бозорлар керак. Ҳозирги кунда ЕОИИ ҳам ҳудудий ақинлиги, ҳам аҳоли сони бўйича бизнинг талабимизни қондириши мумкин. Иккинчи томондан, бу каби очик бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайитириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради.

Бундан ташқари, ЕОИИ билан ҳамкорлик ягона электр энергияси бозори яратиш ва шу орқали

барча аъзо-давлатларни нисбатан арзон электр энергияси билан таъминлаш имкониятини яратди. Иқтисодиётимиз рақобатбардошлигининг ошиши, савдо айланмасининг ортиси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Аммо ўз-ўзидан савол туғилади. Бу каби очик рақобатга мамлакат саноати, инфратузилма, қонунчилик базаси қанчалик тайёр? Афуски, бу саволлар устида таҳлиллар зарур.

Биргина божхона тармоғини белгиланган талабларга мослаштириш учун экспертларнинг таъкидлашча, қарийб 1 миллиард доллар миқдоридида маблағ талаб этилади. Еки биз маҳсулотларимизни экспорт қилмоқчи бўлсак, уларни ЕОИИ талаблари бўйича сертификатциядан ўтказишимиз лозим. Бизда эса ЕОИИда амалда бўлган 48 та техник регламентдан атиги 5 тасигина мавжуд. Яна бир мулоҳаза. ЕОИИда иқтисодий манфаатлар билан бирга, сиёсий манфаатлар ҳам илгари сурулиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди.

Масала қанчалик кўп ўрганилгани сари саволлар шунчалик кўпайиб бормоқда. Ушбу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш мақсадида Қонунчилик палатасида Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди вакиллари, Бош вазир ўринбо-

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғма Г — 456. 46 439 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфия ҳиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.15 Топпирилди — 04.30 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши